

\_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ -сон билан  
рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси  
Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки”  
акциядорлик жамияти томонидан жисмоний  
шахсларга таълим кредитлари ажратиш  
тартиби”га 2-илова

Кредитнинг тўлиқ қиймати

(рақамда)

**Молия вазирлиги хузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси маблағлари  
ҳисобидан таълим кредити ажратиш тўғрисида шартнома № \_\_\_\_\_**

\_\_\_\_\_ шаҳри.

20\_\_ йил \_\_\_\_\_.

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти  
\_\_\_\_\_ филиал (кейинги ўринларда – Банк) Низоми ҳамда 20\_\_ йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_  
сонли ишончнома асосида иш олиб борувчи ўз вакили – \_\_\_\_\_ филиали  
бошқарувчиси \_\_\_\_\_ орқали бир томондан ва \_\_\_\_\_ да яшовчи,  
\_\_\_\_\_ томонидан \_\_\_\_\_ йилда берилган № \_\_\_\_\_ паспорт  
маълумотларига эга \_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда–Кредит олувчи) иккинчи  
томондан, \_\_\_\_\_ да яшовчи, \_\_\_\_\_ томонидан \_\_\_\_\_ йилда  
берилган № \_\_\_\_\_ паспорт маълумотларига эга \_\_\_\_\_ (кейинги  
ўринларда–Биргаликда кредит олувчи) учинчи томондан ҳамда \_\_\_\_\_  
раҳбари \_\_\_\_\_ ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## **1. Шартнома предмети**

1.1. Банк Кредит олувчи (биргаликда кредит олувчи)га ушбу шартномада кўрсатилган  
шартлар асосида \_\_\_\_\_ сўм миқдорида таълим  
кредити ажратади.

1.2. Кредит мақсади \_\_\_\_\_ учун.

1.3. Таълим кредити асосий қарзни қайтаришга \_\_\_\_\_ ойдан иборат бўлган имтиёзли давр  
билан \_\_\_\_\_ йил, \_\_\_\_\_ ой муддатга берилади.

1.4. Таълим кредити бўйича қарз қолдиғига йиллик \_\_\_\_\_ % ҳажмида фоиз ҳисобланади.  
Муддати ўтган асосий қарздорлик учун йиллик \_\_\_\_\_ % ҳажмида оширилган фоиз ҳисобланади.

1.5. Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда, таълим кредити бўйича  
фоиз ставкаси мутаносиб равишда пасаяди, оширилган тақдирда эса ўзгаришсиз қолади.

1.6. Таълим кредити \_\_\_\_\_ усулида сўндириб борилади. Кредитни  
қайтариш ушбу шартноманинг иловаси ва ажралмас қисми бўлган кредитни қайтариш жадвалига  
асосан амалга оширилади ва унга мувофиқ сўндириш даврийлиги ҳар ойда бир марта ойнинг \_\_\_\_\_  
санасида амалга оширилади.

1.7. Кредит олувчи (биргаликда кредит олувчи) томонидан ушбу Шартнома бўйича  
мажбуриятлар тегишлича бажарилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси  
Фуқаролик кодексининг 783-моддасига мувофиқ, Банкка кредит қарзларини сўндириш бўйича  
Кредит олувчи (биргаликда кредит олувчи)нинг исталган банкдаги ҳар қандай ҳисобварақларидан  
ҳар қандай валютадаги пул маблағларини ечиб олиш борасида ҳеч қандай шарт қўйилмайдиган ва  
қайтариб олинмайдиган ҳуқуқ/фармойиш тақдим этади.

1.8. Ушбу кредит шартномасига асосан берилган таълим кредити бўйича муддатида  
тўланмаган асосий қарз ва фоизлар тўловлари Кредит олувчи (биргаликда кредит олувчи)нинг  
пластик карталаридаги маблағлари ҳисобидан ечиб олиш орқали сўндирилади ва бу учун Кредит  
олувчи (Биргаликда кредит олувчи) олдиндан розилик билдиришади.

## **2. Томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

2.1. **Банкнинг ҳуқуқлари:**

2.1.1. Кредит олувчи (биргаликда кредит олувчи)нинг тўлов лаёқатини, кредит таъминоти етарлилигини назорат қилиш, Кредит олувчи (биргаликда кредит олувчи)дан мажбуриятларни бажариш юзасидан керакли хужжатларни сўраб олиш.

2.1.2. Кредитнинг навбатдаги қисми ўз вақтида сўндирилмаган ҳолларда:

- а) кредит учун фоизларни оширилган ставкада, яъни йиллик \_\_\_\_\_ фоиз ҳажмида белгилаш;
- б) Кредит олувчи (биргаликда кредит олувчи)дан кредитнинг қарз қолдиғини муддатидан олдин қайтариш ва фоизларни тўлаш юзасидан дарҳол чоралар кўришини талаб қилиш;
- в) қонунчиликка мувофиқ, кредит қарзини сўндириш учун таъминотга қаратиш борасидаги ҳар қандай ҳуқуқлардан фойдаланиш;
- г) ушбу шартномани белгиланган тартибда бекор қилиш.
- д) кредит бўйича мавжуд барча қарздорликларни муддатидан олдин ундириш тўғрисида тегишли судга даъво аризаси киритиш.

2.1.3. Кредит олувчи (биргаликда кредит олувчи) ушбу Шартнома шартларини қандай бажараётганлигини, жумладан кредитдан мақсадли фойдаланилишини текшириш.

2.1.4. Кредит олувчи (биргаликда кредит олувчи) кредит бўйича асосий қарз ва фоизларни қайтаришнинг белгиланган муддатларига амал қилмаса Банк қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли чоралар кўради.

## 2.2. Кредит олувчининг ҳуқуқлари:

2.2.1. Кредит шартномаси лойиҳасини банк ташқарисида танишиб чиқиш ва маслаҳатлашиш учун олиш.

2.2.2. Кредит шартномаси имзоланганидан кейин, бироқ пул маблағлари ҳақиқатда олингунга қадар кредит олишдан бирон-бир тўловларсиз воз кечиш.

2.2.3. Кредит ва унга ҳисобланган фоизларни қуйидаги усулларда амалга ошириш:

- Банк кассасига нақд пул топшириш;
- Кредит олувчининг Банкда очилган шахсий депозит ҳисобварағидан маблағ ўтказиш;
- Кредит олувчининг иш ҳақидан нақдсиз ўтказиш;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа усулларда.

2.2.4. Кредит қарздорлигини Шартномада белгиланган муддатлардан аввал қисман ёки тўлиқ қайтариш.

2.2.5. Банк томонидан кредит шартномаси ўзгартирилиши кутиладиган ҳолларда бу ҳақда камида 5 кун олдин ахборот олиш.

2.2.6. Суғурта компанияси ва баҳоловчини мустақил танлаш.

## 2.3. Биргаликда кредит олувчининг ҳуқуқлари:

2.3.1. Кредит шартномаси лойиҳасини банк ташқарисида танишиб чиқиш ва маслаҳатлашиш учун олиш.

2.3.2. Кредит ва унга ҳисобланган фоизларни қуйидаги усулларда амалга ошириш:

- Банк кассасига нақд пул топшириш;
- биргаликда кредит олувчининг Банкда очилган шахсий депозит ҳисобварағидан маблағ ўтказиш;
- биргаликда кредит олувчининг иш ҳақидан нақдсиз ўтказиш;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа усулларда.

2.3.3. Банк томонидан кредит шартномаси ўзгартирилиши кутиладиган ҳолларда бу ҳақда камида 5 кун олдин ахборот олиш.

## 2.4. Банкнинг мажбуриятлари:

2.4.1. Кредит олувчи (биргаликда кредит олувчи)га \_\_\_\_\_ сўм таълим кредити бериш.

2.4.2. \_\_\_\_\_ кредит ҳисобварағи очиш.

2.4.3. Кредит маблағини кредит ҳисобварағидан \_\_\_\_\_нинг \_\_\_\_\_ банкида очилган \_\_\_\_\_ - ҳисобварағига \_\_\_\_\_ йилда тузилган \_\_\_\_\_ - сонли шартномага асосан тўловларни нақдсиз пул ўтказиш йўли билан ўтказиб бериш.

Бунда, кредит маблағи ўқув йили мобайнида ўқиш учун йиллик тўловнинг тўлиқ миқдорини белгиланган тартибда тенг улушларда тўрт қисмга бўлиш йўли билан ўтказилади.

Кредит олувчининг ёзма топшириғи ва олий таълим ташкилоти томонидан тақдим этилган мос давр учун шартнома (контракт) белгиланган тўлов миқдорининг камида 25 фоизи талабаликка

тавсия этилган абитуриентлар учун ҳар йили 15 сентябргача ёки Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатгача ҳамда иккинчи ва ундан кейинги босқич талабалари учун – ҳар йили 1 октябргача, белгиланган тўлов миқдорининг камида 50 фоизи – ҳар йили 1 январигача, 75 фоизи – ҳар йили 1 апрелгача ва 100 фоизи – ҳар йили 1 июлгача бўлган муддатда ўтказиб берилади.

## **2.5. Кредит олувчининг мажбуриятлари:**

2.5.1. Кредит олингунга қадар кредит қайтарилиши таъминоти сифатида кредитнинг 125 %дан кам бўлмаган \_\_\_\_\_ сўмлик \_\_\_\_\_ (гаров таъминоти турларининг бири кўрсатилади)ни қонун ҳажжатлари талабларига мувофиқ ва Банкни қониқтирадиган шаклда расмийлаштириб тақдим этиш.

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган оилалар фарзандлари учун, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилганлигини тасдиқловчи маълумотнома тақдим этилганда Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан таълим кредити ажратишда гаров ва кафиллик талаб этилмайди.

2.5.2. Ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган Кредитни қайтариш жадвалига мувофиқ кредит ва унга ҳисобланган фоизларни 20\_\_ йил \_\_ \_\_\_\_\_дан бошлаб ҳар ойда бир марта сўндириб бориш.

2.5.3. Ҳар ойда, кредитни қайтариш жадвалига асосан навбатдаги тўловларни Банкда Кредит олувчи номига очилган махсус ҳисобварақга олдиндан, асосий қарз ва фоизлар бўйича навбатдаги тўлов муддати келгунича киритиб (йиғиб) бориш.

2.5.4. Кредит муносабатлари жараёнида кредит масалалари юзасидан зарур бўлган ҳар қандай ахборотни Банкнинг талабига кўра унга тақдим этиш.

2.5.5. Кредит бўйича асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизлардан қарздорлик юзага келган тақдирда, Банк томонидан қарздорликни икки томонлама солиштириш далолатномаси Кредит олувчига тақдим қилинган ёки унинг яшаш манзилиги юборилган тақдирда, ушбу солиштириш далолатномасини 3 (уч) календарь кунида шахсий имзо билан тасдиқлаб, унинг бир асл нусхасини Банкка етказиб бериш.

Банк томонидан Кредит олувчига тақдим қилинган ёки юборилган қарздорликни икки томонлама солиштириш далолатномаси юқорида белгиланган муддатда Кредит олувчи томонидан имзоланмаган ва Банкка юборилмаган тақдирда, ушбу далолатнома Кредит олувчи томонидан тан олинган ҳамда имзоланган ҳисобланади.

2.5.6. Турар жойи, иш жойи, фамилияси ёки исми ўзгариши, шунингдек мазкур шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа вазиятлар тўғрисида кўпи билан 3 кун ичида Банкка хабар бериш.

2.5.7. Ушбу шартнома амал қиладиган муддат мобайнида Кредит олувчи Банкнинг розилигисиз ушбу шартнома бўйича Кредит олувчининг мажбуриятига нисбатан устивор талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин бўлган учинчи томонларнинг кредитлари ёки қарзларини жалб қилмаслиги керак.

2.5.8. Агар кредит олган қарздор талаба ўқиш даври тугамасидан талабалар сафидан чиқарилса, таълим ташкилоти раҳбарияти ректор (директор)нинг буйруғи чиққан кундан бошлаб 5 иш куни мобайнида банкка хабар бериши керак ва ўз навбатида икки ой муддатда таълим кредити ва унга қўшилган фоизлар бўйича қарзларни тўлиқ қайтариши лозим.

## **2.6. Биргаликда Кредит олувчи мажбуриятлари:**

2.6.1. Ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган Кредитни қайтариш жадвалига мувофиқ кредит ва унга ҳисобланган фоизларни 20\_\_ йил \_\_ \_\_\_\_\_дан бошлаб ҳар ойда бир марта сўндириб бориш.

2.6.2. Келгусида турар жойи, иш жойи, фамилияси ёки исми ўзгариши, шунингдек ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ҳолатлар тўғрисида кўпи билан 3 кун ичида Банкка хабар бериш.

## **2.7. Олий таълим ташкилоти мажбуриятлари:**

2.7.1. Агар қарздор талаба ўқиш даври тугамасидан талабалар сафидан чиқарилса, тегишли буйруқ чиққан кундан бошлаб 10 иш куни мобайнида бу ҳақда Банкка ёзма хабар бериши керак.

2.7.2. Ўз вақтида Банкни ҳабардор қилмаган тақдирда ўтказиб юборилган муддат учун талабага ажратилган таълим кредитининг фоизлари бўйича Кредит олувчи (Биргаликда кредит олувчи)лар билан солидар тартибда жавоб бериш.

2.7.3. Таълим олиш ва шартнома (контракт) шартларининг ўзгарганлиги ҳақида банкни 5 иш куни мобайнида хабардор қилиш.

### 3. Томонларнинг жавобгарлиги

3.1. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажаришдан бош тортиши ушбу шартнома шартлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

3.2. Кредит бўйича қарздорликни белгиланган муддатда тўламаганлиги ва улар бўйича муддати ўтган суммалар вужудга келгани учун Кредит оловчи ёки биргаликда кредит оловчи Банкка кечиктирилган тўловларнинг ҳар бир куни учун фоизларни оширилган ставкада, яъни йиллик \_\_\_ фоиз ҳажмда тўлайди.

### 4. Шартноманинг амал қилиш шартлари

4.1. Ушбу Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва Кредит оловчи (биргаликда кредит оловчи) кредитни ва унинг фоизларини тўлиқ тўлагунига қадар ҳамда томонларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунига қадар амал қилади.

4.2. Банк кредит бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунига қадар Шартнома томонлардан бирининг ёзма аризасига кўра бекор қилиниши мумкин.

4.3. Мазкур Шартнома бўйича низолар пайдо бўлган ҳолларда томонлар ўртасидаги низо Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Процессуал Кодекси 36-моддасига (Келишилган судловга тегишлилик) мувофиқ \_\_\_\_\_ (ҳар бир филиалга энг яқин бўлган ФИБ туманлараро суднинг номи кўрсатилсин) судда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига амал қилган ҳолда белгиланган тартибда ҳал этилади.

4.4. Ушбу шартномага ўзгартиш ва қўшимчалар ҳар икки томон имзолайдиган қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

4.5. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган учта бир хил нусхада, ҳар бир томон учун биттадан тузилди.

#### БАНК:

\_\_\_\_\_ филиали  
Манзил: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_   
СТИР \_\_\_\_\_  
Телефон \_\_\_\_\_  
Бошқарувчи \_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш. ва имзо)  
Бош бухгалтер \_\_\_\_\_  
м.ў. (Ф.И.Ш. ва имзо)  
Хуқуқшунос \_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш. ва имзо)

#### ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ:

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_   
Манзил: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_   
СТИР \_\_\_\_\_  
Телефон \_\_\_\_\_  
Раҳбар \_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш. ва имзо)  
Хуқуқшунос \_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш. ва имзо)

#### КРЕДИТ ОЛУВЧИ:

Ф.И.О. \_\_\_\_\_  
Манзил \_\_\_\_\_  
Телефон рақами \_\_\_\_\_  
Паспорт маълумотлари \_\_\_\_\_ ,  
\_\_\_\_\_ томонидан  
\_\_\_\_\_ йилда берилган.  
\_\_\_\_\_  
(имзо)

#### БИРГАЛИКДА КРЕДИТ ОЛУВЧИ:

Ф.И.О. \_\_\_\_\_  
Манзил \_\_\_\_\_  
Телефон рақами \_\_\_\_\_  
Паспорт маълумотлари \_\_\_\_\_ ,  
\_\_\_\_\_ томонидан  
\_\_\_\_\_ йилда берилган.  
\_\_\_\_\_  
(имзо)